



QIMMATLI QOG'OZLAR BOZORINI  
MUVOFIQLASHTIRISH VA  
RIVOJLANTIRISH MARKAZI  
TOSHKENT SHAHAR HUDUDIY  
BOSHQARMASI

CENTER FOR COORDINATION  
AND DEVELOPMENT OF  
SECURITIES MARKET  
TASHKENT CITY  
REGIONAL DEPARTMENT

100047, Toshkent shahar, Buxoro ko'chasi, 10 uy

10, Buxoro street, Tashkent city, Uzbekistan, 100047

Tel. (Fax): 998 (71) 233-41-72

www.csm.gov.uz

e-mail: tashkent@csm.gov.uz

«23» 01 2017 yil

№ QA-4

## Қ А Р О Р

“GIDROMAXSUSQURILISH” aksiyadorlik jamiyatining 2017 йил 12 январдаги 01/36-сонли аризаси ҳамда Адлия вазирлигида 2009 йил 30 августда 2000-сон билан рўйхатдан ўтган “Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидалари”нинг 100-бандига асосан Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Марказининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси

### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. “GIDROMAXSUSQURILISH” aksiyadorlik jamiyatining 2016 йил 12 октябрда Q0787-5-сон билан рўйхатга олинган акциялар чиқарилуви амалга ошмаган деб топилиши муносабати билан акциялар чиқарилувини Қимматли қоғозлар ягона давлат реестридан чиқариш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилганлиги инобатга олинсин:

- жамиятнинг акциялар чиқарилувини бекор қилиш тўғрисидаги аризаси;
- “GIDROMAXSUSQURILISH” aksiyadorlik jamiyatining 2016 йил 12 октябрда Q0787-5-сон билан рўйхатга олинган акциялар чиқарилуви тўғрисидаги қарор;

- қимматли қоғозлар чиқарилишини амалга ошмаган деб топилганлиги тўғрисидаги “Biznes-Daily” газетасининг 2017 йил 14 январдаги 5 (2176)-сонда берилган эълон нусхаси;

- ушбу чиқарилишнинг барча қимматли қоғозлари эмитентнинг ҳисобварағида мавжудлигини тасдиқловчи “Universal-Depozit” масъулияти чекланаган жамият томонидан берилган эмитентнинг ҳисобварағидан 2017 йил 12 январ ҳолатига берилган кўчирма.

2. “GIDROMAXSUSQURILISH” aksiyadorlik jamiyatining 2016 йил 12 октябрда Q0787-5-сон билан давлат рўйхатига олинган номинал қиймати 1 384 сўм бўлган 476 011 дона оддий, умумий қиймати 658 799 224 сўмлик акциялари ва RU105Q0787T3 миллий идентификация рақами бекор қилинсин.

3. Ахборотни ошқора қилинишини таҳлил ва назорат қилиш бўлими:

- “GIDROMAXSUSQURILISH” aksiyadorlik jamiyatining Q0787-5-сонли акциялар чиқарилуви ва RU105Q0787T3 миллий идентификация рақами

бекор қилинганлиги тўғрисида Қимматли қоғозлар чиқарилуви ягона давлат реестрига тегишли ёзувлар киритсин;

- ушбу қарорнинг бир нусхаси Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига, бир нусхаси “GIDROMAXSUSQURILISH” aksiyadorlik jamiyatiga берилсин.

4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси конунчиликда ўрнатилган тартибда “GIDROMAXSUSQURILISH” aksiyadorlik jamiyatining 2016 йил 12 октябрда Q0787-5—сон билан рўйхатга олинган акцияларини депо ҳисобидан чиқарилишини таъминласин.

5. Қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ахборотни ошқора қилинишини таҳлил ва назорат қилиш бўлимига юклатилсин.

Бошқарма бошлиғи



Б.Шакиров